
ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги йилларда Республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор билан 2021 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча қўшимча чоралар жорий этилди.

Хусусан, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар ва “эркин муомалага чиқариш” божхона режимда товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни ўз вақтида таъминламаган импорт қилувчилар учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари икки бараварга камайтирилди.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилиб, дебитор қарздорлик вужудга келиш муддатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблаш белгиланди.

2021 йил 1 июндан эътиборан солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига солиқларни бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилиши белгиланмоқда. Бу имконият охириги уч йилдан буён фаолият кўрсатаётган солиқ тўловларида муаммога эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан татбиқ этилади.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича фоиз ҳаражатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, тақдим этилиши белгиланди.

Азизбек АКБАРОВ,

Марғилон туманлараро иқтисодий суди раиси.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-05-26 17:42:24